

КОНСУЛЛИК ҲИМОЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ: ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Гафурова Севара Алишеровна,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия

университети доценти,

Юридик фанлар доктори (DSc)

E-mail: sevaragafurova@mail.ru

АННОТАЦИЯ:

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда консуллик ҳуқуқининг аҳмияти, бошқа ҳуқуқ институтлари сингари, у тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг табиатидан келиб чиқади. Консуллик ҳимоясини амалга оширишда қўлланиладиган турли тармоқларга дахлдор принциплар ва нормаларнинг тўғри қўлланилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни барқарор ривожланишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади. Ўз изланишлари давомида муаллиф фуқаронинг давлат ташқарисида ҳам ҳимоя қилиниши ҳуқуқий муҳофаза ва ҳуқуқий ҳимоянинг оддийгина кўриниши эмас, балки бундай ҳимоя давлат томонидан амалга ошириладиган ва давлат чегарасидан ташқарига чиқадиган ўзига хос характердаги мураккаб ҳуқуқий ҳимоядир, деган хулоса қилади.

Калит сўзлар: консул, консуллик ҳимояси, консуллик дипломатияси, ҳуқуқ принциплари, ҳуқуқий норма, консуллик функциялари, институтционал принциплар, консуллик конвенцияси, консуллик рўйхати, консуллик хизмати, рақамли бошқарув, рақамли дипломатия.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ИНСТИТУТА КОНСУЛЬСКОЙ ЗАЩИТЫ: ПРАВОВЫЕ ПРИНЦИПЫ, НОРМЫ И ФУНКЦИИ

Гафурова Севара Алишеровна,

Доцент, Университет мировой

экономики и дипломатии,

Доктор юридических наук (DSc)

Электронная почта: sevaragafurovaali@gmail.com

АННОТАЦИЯ:

Значение консульского права в международных правовых отношениях, как и других правовых институтов, вытекает из характера регулируемых им общественных отношений. Правильное применение принципов и норм, применимых к различным направлениям консульской защиты, создает прочную правовую основу для устойчивого развития отношений между государствами. В ходе своего исследования автор приходит к выводу, что защита гражданина вне государства представляет собой не простую форму правовой охраны и правовой защиты, а комплексную правовую защиту уникального характера, осуществляемую государством и выходящую за пределы государства. границы.

Ключевые слова: консул, консульская защита, консульская дипломатия, правовые принципы, правовая норма, консульские функции, институциональные принципы, консульская конвенция, консульский список, консульская служба, цифровое управление, цифровая дипломатия.

Инсон ҳуқуқларининг поймол этилишини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар қамровида самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, давлат ташқи сиёсатининг доктринал асосларини яратиш ва бу сиёсатнинг ягона тизимли амалга оширилишини таъминлаш учун чет

давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини белгиловчи концептуал-ҳуқуқий қарашларни умумлаштириш, ҳамда мақсад ва вазифаларни шакллантириш лозимдир.

Қонун ижодкорлиги механизми ҳар қандай ҳолатнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини белгиловчи концептуал устқурмаларга, тартибга солиш лозим бўлган тармоқнинг мақсад ва вазифаларига, миллий манфаат асосларига таянади. Шундай бўлсада, расман қабул қилинган доктринал ҳужжат санаб ўтилган асосларни янада жонлантиради ва қонун ижодкорлиги учун аниқ сарҳадлар белгилаб беради.

Консуллик ҳимояси институтининг зарурийлиги шубҳасиздир. Бу ҳолат халқаро муносабатларнинг ривожланиш жараёнларидан келиб чиққан эҳтиёждир. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳам консуллик ҳимояси институтини тадқиқ этиш, принцип ва нормаларини ўрганиш муҳимдир. Зеро, ижтимоий муносабатларни концептуал-ҳуқуқий жиҳатдан чуқур ўрганиш, қонунчиликни сифат жиҳатдан такомиллаштириш зарурдир. Шу сабабли консуллик ҳуқуқида консуллик ҳимояси институтини шакллантириш соҳага оид ҳуқуқий нормалар тизимини ва уларнинг самарали ишлаш механизмини жонлантиради.

Консуллик ҳимояси институтининг концептуал масала эканлиги яна шу билан тасдиқланадики, институт давлатларо иккитомонлама ва кўптомонлама муносабатларнинг муҳим бўлагини ташкил этади[1].

Ҳар қандай давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб ўз ташқи алоқаларини юритади ва уларнинг ҳар бирида инсон ва унинг ҳуқуқлари муҳим саналади. Шу сабабли давлатлар ўз консулларининг ҳар томонлама қатор имтиёз ва иммунитетларга эга бўлишларига, улар қабул қилувчи давлатнинг ички органлари билан эркин ва ҳеч қандай тўсиқларсиз мулоқот қилишларига ва консуллик муносабатлари остида муҳим халқаро муносабатлар ётганлигига катта эътибор қаратадилар.

XX аср охири ва XXI аср бошларида жаҳонда мавжуд таҳдидлар айниқса халқаро терроризма ва сепаратизм таҳдидлари консуллик фаолияти олдига жиддий вазифаларни кўндаланг қўяди. Бу эса ўз навбатида консуллик муносабатларини, консуллик функцияларини ва консуллик ҳимояси масалаларини мазмунан қатибйлаштиришга олиб келади. Бундай қатий чоралар қаторига қабул қилувчи давлат ҳудудига кириб келаётган ўз давлати фуқароларининг сафар мақсадлари ва бу ҳудудда бўлишларининг муддати ва жойларини назорат қилишга ва тизимлаштиришга уриниш, шахсни тасдиқловчи воситалардан кенг фойдаланиш, меҳнат мигрантларини қайтариш ва бу каби фаолиятни амалга ошириш учун қабул қилувчи давлатнинг тегишли идоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш ва ҳ.клар киритилади. Бундан ташқари консул қабул қилувчи давлат ҳудудида юборувчи давлат фуқароларига очилган тергов ва қидирув ишларида қатнашиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ахборот тарғиб ишларини амалга ошириши ва суд ижрочилари фаолиятларидан фойдаланиш билан ҳам ўз фуқароларни террористик ва бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилиши мумкин.

Албатта бундай концепция ўрнашиб олган анъанавий консуллик фаолиятини мазмунан бир мунча ўзгартиради. Бироқ, шу тариқа давлатни ташқи таҳдидлардан ҳимоялайди. Айтиш жоизки консуллик ҳуқуқининг 1963 йилги Вена конвенцияси билан белгиланган ҳуқуқий моҳияти ўзгармайди. Консуллик ҳимояси масаласига бўлган бундай ёндашув давлатнинг консуллик фаолиятига оид давлат сиёсатини ишлаб чиқишга, икки томонлама консуллик конвенцияларини тайёрлашга ва консуллик муносабатларини такомиллаштиришга асос бўлади.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг муҳим тармоқларидандир. Консуллик ҳимояси эса давлат томонидан ўзининг чет давлатлардаги фуқаролари ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Шу жиҳатдан ҳам ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ошади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан консуллик ҳимояси қонуний ва тинчлик йўли билан тартибга солиниши лозим. Консуллик ҳимоясини амалга оширишда дипломатик воситалар ва суд амалиётигача бўлган барча воситалардан фойдаланилади. Дипломатик воситалар бир давлатнинг иккинчи давлатни ўз хатти-ҳаракатлари, жумладан юзага келган вазият юзасидан безовта эканлиги ва тегишли чоралар кўриш лозимлиги тўғрисида хабардор қилиши учун қаратилган қатор қонуний жараёнларни ўз ичига олади.

Юридик нормалар ҳуқуқнинг келиб чиқиш асослари саналади. Мазкур ҳуқуқ нормаларидан ҳуқуқ институтлари яъни бирор-бир масалага қаратилган нормалар мажмуи келиб чиқади. Масалан, суғурта институти, ҳуқуқий ёрдам институти, фахрий консуллик институти, фуқаролик институти, президентлик институти, гаров институти, ва ҳ.к. Ҳуқуқ институтларидан ҳуқуқ тармоқлари шаклланади, яъни ҳуқуқнинг маълум бир йўналишдаги йирик ҳуқуқий тармоғи юзага келади[2].

Умумий назарияга кўра ҳуқуқ институти - ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Илмий қарашни узвий давомилиги асосида айтиш мумкинки, кенг маънода консуллик ҳимояси институти ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини – чет давлатлардаги фуқаролар қатнашган муносабатларни тартибга солади. Тор маънода эса, консуллик ҳимояси институти – консуллик-ҳуқуқий хатти-ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ нормалар йиғиндиси[3].

Демак, агар ҳуқуқий норма, ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлса, ҳуқуқ институти эса, унинг дастлабки ҳуқуқий бирлигидир. Ҳуқуқ институтлари алоҳида олинган ҳуқуқ соҳалари доирасида мавжуд бўлади ва амал қилади. Яъни ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисми, бўлаги, бўғини сифатида намоён бўлиб, айти пайтда, муайян мустақил характерга эга, чунки улар маълум даражада мустақил масалаларни тартибга солади.

Ҳуқуқни институт ва тармоқларга ажратиш учун унинг предмети ва методи асос бўлади.

Консуллик ҳимояси институти предмети – фуқароларнинг халқаро хусусий ва ёки оммавий ҳуқуқ элементларини ўзида жамалган халқаро ҳуқуқий-ижтимоий муносабатлардир.

Консуллик ҳимояси институти предметини ўрганишда хорижий давлат юрисдикциясига дахлдор бўлган давлат ҳуқуқи, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари муҳимдир. Бунда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар ҳуқуқлари назарда тутилади.

Консуллик ҳимояси институтининг бошқарув методи бу консуллик ёрдами кўрсатилишининг процессуал характердаги объектив ва субъектив жиҳатларидир.

Консуллик ҳимоясини амалга ошириш учун асос бўлиб, шахснинг давлат билан ҳуқуқий боғлиқлиги хизмат қилади. Бу боғлиқлик фуқаролик институтида намоён бўлади. Умумий назарияга кўра, фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ эканлигидир. Фуқаронинг давлат ташқарисига чиқиши ушбу ҳуқуқий боғлиқлик узилмайди.

Давлат доимий равишда ўз фуқароларига нисбатан шахсий юрисдикциясига эга. Давлат фуқароларга ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб беради ва шу билан бирга уларни ҳимоя қилиш мажбуриятини ҳам олади.

Консуллик ҳимояси институти ҳуқуқ институти шаклланиши учун талаб этиладиган барча ҳуқуқий жиҳатларга - ижтимоий муносабатларни бошқариш предмети ва методлари эга. Шу билан бирга консуллик ҳимояси халқаро ҳуқуқнинг йирик ҳуқуқий тармоқлари дипломатик ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва давлатларнинг халқаро жавобгарлиги ҳуқуқи принциплари доирасига тааллуқлидир.

Консуллик ҳимояси институти принципларини умумий ва махсус принципларга ажратиш мумкин. Умумий принциплар табиийки халқаро ҳуқуқ принциплари ҳисобланади. Улар жумласига халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган БМТ Устави ва ЕХХТ Якуний актида қайд этилган принципларини киради:

- 1) куч ишлатмаслик;
- 2) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 3) ички ишларга аралашмаслик;
- 4) ҳамкорлик;
- 5) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;
- 6) суверен тенглик;
- 7) халқаро ҳуқуққа оид мажбуриятларни виждонан бажариш;
- 8) ўзаролик тамойили;
- 9) дискриминацияга йўл қўймаслик тамойили;
- 10) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Мазкур принциплар халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган бўлиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистон қонунчилигида конституциявий характерга эга.

Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги ҳужжатларда таъкидланганидек, улар ўзаро узвий боғлиқ, бирининг мазмун-моҳияти бошқасининг мазмуни билан уйғунлашиб кетаверади. Шу боис, халқаро ҳуқуқ принципининг мазмунини бошқалари билан боғлаб ўрганиш лозим[4].

Консуллик ҳимояси институтининг роли жуда аҳамиятлидир, аниқроғи ижтимоий муҳимдир. Консул чет давлатларда ўз фуқаролари ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқ ва қабул қилувчи давлат ҳуқуқ тизими чегараларида ҳимоя қилади. Буни агар субъектив жиҳатини кўриб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқшуноснинг ўз давалатида, ўз фуқаросини, ўз тилида ва ўз қонунчилиги асосида ҳимоя қилишда тубдан фарқ қилади[5].

Консул хизмат вазифаси тақозоси билан тўғридан-тўғри фуқаро билан мулоқот қилади, тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боради, ҳамда кундалик иш ҳажми назар тутилганидан кўра бир неча баробар ортиқ бўлиши, шу билан бирга ижтимоий ҳуқуқий жиҳатдан хилма-хил бўлиши мумкин.

Консуллик ҳимояси давлат томонидан ўз жисмоний ва юридик шахсларини 1963 йилги Конвенция белгилаб берган шартлар асосида амалга оширилади. Консуллик ҳимоясининг ушбу босқичида ҳар қандай тўғри тутилган чора муаммонинг дипломатик ҳимоя талаб этиладиган даражага чиқиб кетишидан сақлайди[6].

Консуллик ҳимоси институтини алоҳида ўрганиш фанни конкретлаштиради ва келгусидаги тадқиқотлар учун замин яратади.

Чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқларининг консуллик ҳимояси институти махсус принциплари гуруҳини туркумлаштирилганда, бунда асосли равишда куйидаги принциплар сараланади:

1. Фуқаролик ва унинг тенглиги.
2. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлиги.
3. Фуқароликнинг дахлсизлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланиши.
5. Чет эл фуқаролари улар айнан бўлиб турган давлат қонун ва қоидаларини ҳурмат қиладилар.
6. Чет эл фуқаролари ҳуқуқларини улар бўлиб турган давлат қонунлари ҳам ҳимоялайди.

Давлатларнинг чет эл фуқароларига ўз фуқароларидан кўра камроқ ҳуқуқлар белгилаб беришини камситилиш ёки ҳуқуқий дискриминация деб баҳолаш мутлоқ нотўғри. Одатга кўра барча далаатлар баъзи ҳуқуқларни масалан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш,

давлат органларида юқори лавозимлар эгаллаш ҳуқуқларини тўлиқ ёки қисман чеклайдилар. Бундай чеклашларни белгилаш халқаро ҳуқуққа зид эмас.

Мзкур принципларнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги давлатнинг демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга бўлган эътиборини белгилайди.

Консуллик ҳимояси институти Ўзбекистон Республикасида чет давлатлардаги фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг энг фаол ва тезкорликни таъминловчи воситаси ҳисобланади. Бинобарин, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари у қаерда бўлишидан қатъий назар муносиб ҳимояланмаса, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти каби мақсадлар тўлақонли амалга ошмайди[7].

Шуни алоҳида айтиш жоизки, консул ва унинг фаолияти халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш ва жорий этиш воситаси ҳам ҳисобланади. Давлатларро муносабатлар ўрнатиш ва сақлаб туриш; ўзаро алоқаларни амалга ошириш учун юридик келишувларни, ҳужжатларни тайёрлаш; ушбу фаолиятни амалга ошириш учун махсус вакиллар тайинлаш халқаро муносабатларни ҳаракатга келтирувчи энг асосий йўналишлар саналади. Ташқи сиёсат, дипломатия, консуллик фаолияти ва халқаро ҳуқуқнинг халқаро муносабатлар тизимидаги узвий бирлиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги худди ана шунда намоён бўлади[8].

Ҳуқуқ институтлари алоҳида функцияларни бажариши билан ажралиб туради. Шу маънода консуллик ҳимояси институтининг функцияларини кўриб чиқиш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ўз ҳуқуқий моҳиятига кўра консуллик ҳимояси институти икки хил функцияни амалга оширади:

- ҳуқуқ бузилишини олдини олиш ва бошқарув функцияси; ва
- ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

Ҳуқуқ бузилишини олдини олиш ва бошқарув функцияси консуллик ҳимоясининг асосий функцияси бўлиб, бунда ҳам фуқаро учун ҳам давлат учун

тартиб қоидаларни шакллантиради ва шу билан муаммоли вазиятларни дипломатик ҳимоя даражасига кўтарилиб кетишини, халқаро низоларга олиб келишини ҳамда учинчи томонлар аралашувини олдини олади. Бошқарув функцияси эса консулларнинг норма ижкорлиги жараёнининг аол иштирокчиси эканликларни билан характерланади.

Ҳуқуқ бузилишини олдини олиш ва бошқарув функцияси чет давлатларга чиқиб кетаётган фуқаролар билан профилактика тарзида тушунтиришлар олиб бориш жараёнларини ҳам ўз ичига олади. Бироқ, бу йўналишни тўлиқ консуллик функцияси деб атаб бўлмайди. Чунки чет давлатга чиқишга ҳаракатланган фуқаро аввало ички ишлар органлари тизимига мурожаат этадилар. Мана шу босқичда улар учун профилактик тушунтиришлар олиб бориш айти муддао бўларди. Бундай тушунтиришлар қаторига аввало фуқароларнинг бориб тўхтаган манзилларида, агар улар узоқ муддатга чиқиб кетаётган бўлсалар консуллик рўйхатидан ўтишлари лозимлиги, бунинг афзалликлари ҳақида ахборот бериш кабилар киритилади.

Чет давлатлардаги фуқаролар консулларга мурожаат этган ҳолларда консул томонидан улар бўлиб турган давлат қонунчилиги билан яқиндан таништириши, тушунча ва кўрсатмалар бериши ҳам консуллик ҳимоясининг бошқарув ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш функцияси амалга оширилишини англатади.

Ҳуқуқий ҳимоя функцияси консуллик ҳимояси институтининг бевосита амалий функциясидир. Консуллик ҳимояси институтининг ҳуқуқий ҳимоя функцияси ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мазкур функциянинг самарали натижаларга эришиши учун фуқаролар томонидан ҳам фаоллик талаб этилади. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги уларнинг чет давлатлардаги ҳуқуқий ҳимояси учун муҳимдир. Бироқ, бундай нуқта назар масалани тўлалигича фуқаролар зиммасига юкламайди. Консуллик ҳимоясининг айнан ҳуқуқий ҳимоя функцияси фуқаролар дуч келган ҳуқуқий муносабатлар қай даражада эканлигидан қатъий

назар, хатто ўта оғир ва жиддий тус олган ҳолларда ҳам тезкор ҳуқуқий чоралар амалга оширилишини назарда тутди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гафурова С.А. Консуллик ҳимояси институти. Монография. ЖИДУ. Тошкент.- 2020. 52-57 бетлар.
2. Кулапов В.Л. Основы теории государства и права. М., 2002. С. 62. (Kulapov V.L. Basic theories of statehood and law. M., 2002. p. 62)
3. Волкова М. С. Дипломатическая защита как элемент международного стандарта в вопросах правового регулирования положения иностранцев // Электронное приложение к “Российскому юридическому журналу” №2/2012. (Volkova M. S. Diplomatic protection as an element of the international standard in the issue of legal regulation of the situation of foreigners // Electronic Supplement to the Russian Legal Journal No. 2/2012) <http://electronic.ruzh.org>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 dated January 28, 2022) lex.uz/ru/docs/5841063
5. https://unctad.org/system/files/official-document/a76d64_ru.pdf
6. Ровинская Т. Роль новых цифровых технологий в период кризиса. Мировая экономика и международные отношения, 2021, т. 65, № 6. (Rovinskaya T. The role of new digital technologies in the crisis period. World economy and international relations, 2021, vol. 1, p. 65, no. 6)
7. Международная система защиты данных. Сўнгги мурожаат 11.02.2022й. (International data protection system. Last application 11.02.2022) <https://searchinform.ru/resheniya/biznes-zadachi/zaschita-personalnykh-dannykh/realizaciya-zashchity-personalnyh-dannyh/mezhdunarodnaya-sistema-zashchity-personalnyh-dannyh>
8. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й.,

03/19/547/3363-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On Personal Data". National database of legislation, 03.07.2019, No. 03/19/547/3363; 01/15/2021, 03/21/666/0032; National Database of Legislation, 21.04.2021, No. 21.03.683/0375)